

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАЗАРОВ АЛЛАЗАР ХУДАШКУРОВИЧ**

**ТАЖРИБАДА ГЕН-МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН**  
**МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ИММУН ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШГА МАЖМУАВИЙ ЁНДОШИШ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Алланазаров Алланазар Худашкурович**

Тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотларнинг иммун тизимига таъсири хусусиятларини баҳолашга мажмуавий ёндошиш ..... 3

**Алланазаров Алланазар Худашкурович**

Комплексный подход к оценке особенностей влияния генно-модифицированных продуктов на иммунную систему в эксперименте ..... 22

**Allanazarov Allanazar Khudashkurovich**

Complex approach towards the evaluation of features of the gen-modified product effect on the immune system in studies ..... 42

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works ..... 453

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ АЛЛАНАЗАР ХУДАШКУРОВИЧ**

**ТАЖРИБАДА ГЕН-МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН**  
**МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ИММУН ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШГА МАЖМУАВИЙ ЁНДОШИШ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1456. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар</b>	<b>Нуралиев Неккадам Абдуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар</b>	<b>Файзуллаева Нигора Яхъевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Федоськова Татьяна Германовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Андижон давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Қ.Э. Шомуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг кўплаб мамлакатлари озиқ-овқат маҳсулотларининг тиббий-биологик хавфсизлигини амалга ошириш ҳам ҳозирги кунда барча мамлакатлар орасидаги жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Кўпчилик мутахассислар фикрича, озиқ-овқат танқислиги муаммосини ҳал этишнинг энг мақбул йўлларида бири бу ген-модификацияланган маҳсулотлар етиштириш ва улар миқдорини оширишдир. Ген-модификацияланган организмлар «...ўсимлик ёки ҳайвон организмлари бўлиб, улар генотиби организмга янги хусусиятларни бериш учун ген инженерияси ёрдамида табиий бўлмаган усулда ўзгартирилган, улар дунёдаги экин майдонларининг 13% ини ташкил қилади»<sup>1</sup>. Аммо, бугунги кунда ушбу маҳсулотларнинг одам организмига таъсир даражаси охиригача ўрганилмаган, олинган натижаларда эса қарама қарши билдирилган фикрлар талайгина. Профилактик йўналишнинг устувор ривожланиши билан аҳолига ёрдам кўрсатишда овқатланиш маданияти бўйича доимий анъаналарни ўзгартириш зарурияти бирламчи аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида ген инженерияси ёрдамида ўсимлик ва ҳайвон геномида ўзгаришлар қилиш, ген-модификацияланган организмларни етиштиришни кўпайтириш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида истеъмол қилишга даъват этиш тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга ушбу янги маҳсулотларнинг организм аъзо ва тўқималарига таъсир даражасини ўрганиш бўйича тажрибавий тадқиқотлар ҳам ўтказилмоқда. Уларнинг эмбриотоксик, гонадотоксик, канцероген таъсирлари, аъзолар морфологик структураси, қондаги гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларга, лаборатория ҳайвонларининг иккинчи ва учинчи авлодларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу маҳсулотларнинг салбий таъсири борлиги ва умуман бундай таъсир йўқлиги тўғрисидаги қарама қарши маълумотлар келтирилган, одам организми иммун тизимига таъсири, унинг оқибатлари охиригача ўрганилмаган. Шу сабабли ушбу муаммо бўйича тажрибавий тадқиқотларни давом эттириш зарурати мавжуд.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, янги технологиялар асосида озиқ-овқат ресурсларинини кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари тиббий-биологик хавфсизлигини таъминлаш ва баҳолаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш, бирламчи бўғин тиббиёт муассасалари ҳамда тез тиббий ёрдамнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Тажрибада ген-

<sup>1</sup>Global Status of Commercialized Biotech., GM Crops., 2014

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони

модификацияланган соянинг иммун тизими асосий кўрсаткичларига таъсирини тажрибада қиёсий ўрганиш, бирламчи ва иккиламчи профилактика усуллари мужассамлашган мажмуавий ташҳислаш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ген-модификацияланган организмлардан (ГМО) гербицид, зараркунанда, касалликлар, шўрланиш, юқори ва паст ҳароратлар таъсирига бардошлилик, ҳосилдорликнинг ошиши, атроф муҳитни органик ифлосланишлардан тозалаш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ўсимлик организмда аниқланган бирикмалар синтезини таъминлаш учун фойдаланилади (Global Status of Commercialized Biotech., GM Crops., 2014). Бугунги кунгача 140 хилдаги ўсимликлар гени модификация қилинган. ГМ-ўсимликларга хос белги - уларнинг зараркунанда, гербицидларга барқарорлигидир. ГМ таъсирида маҳсулот сифати - ранги, таркиби, сақлаш ва етилиш муддати ҳам ўзгартирилади. Органик ифлослантувчилардан атроф муҳитни тозалаш муаммолари, ўсимлик организмда айрим бирикмалар синтезини таъминлаш орқали ушбу ўсимликлардан фойдаланиш масалалари ҳал этилади (International Service for the Acquisition of AgriBiotech Application - ISAAA, 2014).

Ҳозирги вақтда соя, пахта, маккажўҳори, рапс каби ГМ-экинлар кўп миқдорда экилиши билан ажралиб турибди. Бундан ташқари буғдой, шоли, ковоқ, картошка, помидор, кулупнай ҳам борган сари кўп экилмоқда. ISAAA (2014) маълумотларига кўра АҚШ да ГМ-экинлар экин майдонларининг 47%, Бразилияда 58%, Аргентинада 61% ида етиштирилади, Хитойда ГМ-ўсимликлар экин майдонларининг 4% ини ташкил қилади. Аниқланишича, 1996-2012 йилларда ГМ-экинлар етиштириш кўпайиши натижасида пестицидлардан фойдаланиш 10-12 мартага ошган, органик ва ўсимлик экинлари турли-туманлиги камайган, чанглатувчи хашаротлар камайган (Report of the Canadian Biotechnology Action Network (CBAN), 2015).

Иммунология соҳасида америкалик олимларнинг ГМО нинг озиқ-овқат маҳсулотларига киритилиши одамлар орасида қандли диабет ва семизликни келтириб чиқариши билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги тадқиқот 2012 йили Италияда мукофотга сазовор бўлган (Latham J., 2015). ГМО нинг сут эмизувчилар организмига салбий таъсири Пуштай А. (2005) тадқиқотларида кўрсатиб берилган. Муаллиф аниқлашича, ГМ-картошка билан боқилган каламушларда интакт каламушларга нисбатан иммун тизими фаолияти пасайган, ички аъзолар (жигар, талоқ, қалқонсимон без) зарарланган, мия ҳажми кичрайган. Шунга ўхшаш натижаларни E. Van Driesschel et al., (2004) ҳам олган. Шунингдек, ГМ-картошка таъсири натижасида каламушлар тана вазни камайиши, анемия ва гепатоцитлар дистрофик ўзгаришлари ҳам аниқланган (Ермакова И.В., 2005).

ГМ-маҳсулот олиш учун фойдаланиладиган гулкарам мозаикаси вируси каламушлар ҳужайраларига зарарловчи таъсир кўрсатгани аниқланган. У тинч ҳолатда бўлган хавфли вирусларни қўзғатиши мумкин, деб ҳисоблайди муаллиф (Лобов В.П. ва ҳаммуал., 2010). Шу билан бирга ГМ-соя лаборатория ҳайвонларининг ички аъзоларида патологик ўзгаришлар чақирмаганилиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор (Павловская Н.Е. ва ҳаммуал., 2018). Тиббий ва биологик илмий манбалар базасидаги (<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>) 42 та манбада тажрибавий тадқиқотлар натижасида ГМ-маҳсулотларнинг йирик шохли ҳайвонлар, чўчқалар, уй паррандалари, балиқ, лаборатория ҳайвонларидан каламуш ва сичқонларда шу маҳсулотнинг сезиларли таъсири борлиги исботланмаган.

Мамлакатимизда илк бор ГМ-соянинг организмга таъсирини ўрганиш бўйича тажрибавий тадқиқотлар ҳам ўтказилган (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2017; Собирова Д.Р., 2018). Бунинг натижасида биринчи марта ГМ-соянинг оқ зотсиз каламушлар биринчи ва иккинчи авлодларига эмбриотоксик, мутаген, гонодотоксик таъсир кўрсатиши аниқланган; улар жигари ва талоғида морфологик ўзгаришлар бўлиши исботланган.

Барча олинган натижалар ГМ-маҳсулотларнинг хавфи одам ва атроф муҳит учун кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда, аммо ўтказилган тадқиқотлар тарқоқ бўлиб, мажмуавий тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу нуқтаи назардан, шу йўналишдаги тадқиқотларни ўтказиш бугунги кун талабларига жавоб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2021 PhD 117) «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотнинг (соя мисолида) иммун тизимига таъсири хусусиятларини аниқлаш ва баҳолашга мажмуавий ёндошишдан иборат бўлган.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажрибада ген-модификацияланган соянинг иммун тизими асосий кўрсаткичларига таъсирини тажрибада қиёсий ўрганиш;

ген-модификацияланган соянинг лаборатория ҳайвонлари иммунокомпетент ҳужайраларига таъсир даражасини қиёсий баҳолаш;

тажрибада ген-модификацияланган соянинг суяк кўмиги гемопозитик ҳужайраларига цитогенетик таъсирини қиёсий ўрганиш ва баҳолаш;

ген-модификацияланган соянинг иммун тизимига таъсирини баҳолашга мажмуавий ёндошиш натижасида истиқболни белгиловчи мезонлар яратиш орқали ушбу маҳсулотнинг организмга таъсири хавфини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида вояга етган, эркак жинсига мансуб оқ зотсиз каламушларнинг 160-180 грамм оғирликдаги 90 таси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажриба ҳайвонларининг (оқ зотсиз каламушлар) қони, қон зардоби, суяк кўмиги олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун тажрибавий, иммунологик, цитогенетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тажрибада ген-модификацияланган соянинг иммун тизим ҳужайралари миқдорий ва нисбий кўрсаткичларига салбий таъсир этиши, бунинг оқибатида организм иммун тизимида иммунологик дисбаланс вужудга келиши аниқланган;

тажрибада ген-модификацияланган соянинг иммунокомпетент ҳужайраларга таъсир даражаси ҳужайралараро қиёсий аниқланган;

ген-модификацияланган соянинг тажрибада суяк кўмиги ҳужайраларига таъсири даражаси митоз патологияси, хромосома абберрациялари пайдо бўлиши ҳамда митотик фаоллик пасайиши кўринишида ифодаланиши қиёсий тарзда исботланган;

ген-модификацияланган соя таъсирида тажриба ҳайвонлари иммун тизими кўрсаткичлари ўзгаришлари даражасини баҳоловчи истиқболни белгиловчи тажрибавий иммунодефицит индекси ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат бўлади:

ген-модификацияланган соя мисолида ушбу маҳсулотларнинг тажрибада иммунокомпетент ҳужайраларига салбий таъсири борлигининг аниқланиши уларнинг организм иммун тизими миқдорий ҳамда нисбий кўрсаткичлари учун етарли даражадаги хавфга эгалиги аниқланган;

ген-модификацияланган соянинг тажрибада организм иммун тизимига таъсири даражасини аниқлаш шу маҳсулотларнинг ушбу тизимга таъсир даражасини ўрганиш бўйича тажрибавий тадқиқотлар ўтказишнинг қадамба-қадам усули оптималлаштирилган;

ген-модификацияланган соянинг суяк кўмиги ҳужайраларига таъсирини аниқлаш баробарида ушбу цитогенетик усул ген-модификацияланган маҳсулотларнинг организмга таъсир хавфи даражасини баҳолаш учун истиқболли усул сифатида фойдаланилиши тавсия этилган;



тажрибада ген-модификацияланган соянинг иммун тизими кўрсаткичларига таъсири даражасини баҳоловчи истиқболни белгиловчи ишлаб чиқилган мезон - тажрибавий иммунодефицит индекси самараси исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи тажрибавий, иммунологик, цитогенетик ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги экспериментал материалдан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жихатдан тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва шунга ўхшаш хорижий муаллифлар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тажрибада ген-модификацияланган соянинг иммун тизим хужайралари миқдорий ва нисбий кўрсаткичларига салбий таъсири борлиги аниқланганлиги, иммунологик дисбаланс кузатилганлиги, иммунокомпетент хужайраларга таъсир даражаси хужайралараро қиёсий аниқланганлиги, суяк кўмиги хужайраларига салбий таъсири даражаси митоз патологияси, хромосома абберрациялари пайдо бўлиши ҳамда митотик фаоллик пасайиши кўринишида қиёсий тарзда исботланганлиги, тажриба ҳайвонлари иммун тизими кўрсаткичларига таъсири даражасини баҳоловчи истиқболни белгиловчи тажрибавий иммунодефицит индекси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ген-модификацияланган соя мисолида ушбу маҳсулотларнинг иммун тизими фаолияти учун етарли даражада хавфга эгаллиги тажрибада аниқланганлиги, ушбу маҳсулотларнинг шу тизимга таъсир даражасини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқот ўтказишнинг қадамба-қадам усули мукамаллаштирилганлиги, цитогенетик усул ген-модификацияланган маҳсулотларнинг организмга таъсир хавфи даражасини баҳолаш учун истиқболли усул сифатида фойдаланилиши тавсия этилганлиги, ген-модификацияланган соянинг иммун тизими параметрларига таъсири даражасини баҳоловчи истиқболни белгиловчи ишлаб чиқилган мезоннинг самараси исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тажрибада ген-модификацияланган соянинг иммун тизимига таъсири хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

ген-модификацияланган маҳсулотнинг (соя) суяк кўмиги хужайраларига таъсир даражасини аниқлаш услубини мувофиқлаштириш имконини берган «Ген-модификацияланган маҳсулот истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги хужайраларидаги цитогенетик ўзгаришларни ўрганиш ва баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 8н-р/88-сон маълумотномаси).

ген-модификацияланган соянинг тажрибада организм иммунокомпетент хужайраларга таъсир даражасини аниқлаш ва баҳолаш имконини берган

«Тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотларнинг иммун тизими кўрсаткичларига таъсирини қиёсий баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 8н-р/463-сон маълумотномаси).

тажрибада ген-модификацияланган маҳсулотнинг иммун тизимига таъсири хусусиятларини аниқлаш ва баҳолашга мажмуавий ёндошиш бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга, хусусан, Бухоро вилояти санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармасига, Хоразм вилояти санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармасига, Ҳазорасп тумани санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлимига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 мартдаги 8н-д/109 - сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «Ген-модификацияланган маҳсулотларнинг организмга таъсирига замонавий қарашлар» тўғрисидаги ватандош ва хорижий тадқиқотчилар илмий-тадқиқот ишлари якунлари батафсил таҳлил қилинган. Ушбу бобда ген-модификацион маҳсулотлар, шу жумладан соянинг дунё бўйича етиштирилиши кўрсаткичлари, унинг озиқ-овқат саноатида тутган ўрни, ушбу маҳсулотларнинг организмга таъсир даражасини турли лаборатория ҳайвонлари мисолида тажрибада ўрганилганлиги, организм аъзо ва тўқималаридаги морфологик ўзгаришлар, уларнинг эмбриотоксик, мутаган,

гонадотоксик таъсири, тажриба ҳайвонлари агрессивлигини ошириши тўғрисидаги ахборотлар таҳлил қилинган ва баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Ген-модификацияланган соянинг иммуно-цитогенетик жиҳатларини ўрганиш бўйича тажрибавий тадқиқотлар материал ва усуллари**» тадқиқот материаллари ва усуллари ёритилган.

Маданий соя (*Glycine Mach*) Шарқий Осиё, шимолий Хитойдан келиб чиққан кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Шарқий Осиё халқлари учун озиқ-овқат оқсиллари манбаи, XX аср бошларидан Америкада ҳам маданий экин сифатида пайдо бўлган. Қуруқ соя уруғлари ўртача 40% протеин ва 20% ёғни ўз ичига олади. Соя маҳсулотлари, буйрак касалликлари ва заҳарланишда даволаш учун самарали восита сифатида, доривор мақсадларда ишлатилган.

Полимераза-занжирли реакция (ПЗР) ёрдамида тадқиқот учун олинган соянинг ГМ-маҳсулот эканлиги аниқланган. Бунда 35S+FMV промоторининг борлиги исбот сифатида тақдим этилган (Нуралиев Н.А., Собирова Д.Р., 2017). Таққослаш мақсадида мамлакатимизда етиштирилган ГМ-маҳсулот эмаслиги ПЗР ёрдамида исботланган соя унидан фойдаланилган.

ГМ-соянинг организмга таъсирини ўрганиш учун оқ зотсиз каламушларда тажрибавий тадқиқотлар ўтказилган. Вояга етган, эркак жинсига мансуб оқ зотсиз каламушларнинг оғирлиги 160-180 г ни ташкил этган, улар нисбий намлик (50-60%), ҳарорат (19-22<sup>0</sup>С) ва ёруғлик режимида (12 соат қоронғулик ва ёруғлик режимида) стандарт виварий шароитида пластик қафасларда (ҳар қафасда 5 тадан) сақланган. Тадқиқот давомида лаборатория ҳайвонлари билан ишлашда биологик хавфсизлик қоидалари ва этик тамойилларга риоя қилинган (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2016).

Барча лаборатория ҳайвонлари уч гуруҳга ажратилган:

назорат гуруҳи лаборатория ҳайвонлари (n=30) стандарт умумий виварий рацион ва ичимлик суви - *ab libitum* (лотинча «ўз хоҳишига кўра») билан боқилган, улар рационига ГМ-ли ва ГМ-сиз соя қўшилмаган;

таққослаш гуруҳи ҳайвонларига (n=30) таркибида ГМ-сиз соя уни озуқа кўшимчаси ҳар бир лаборатория ҳайвонига 0,02-0,03 граммдан 30 сутка давомида рационга қўшилган;

асосий гуруҳ ҳайвонлари (n=30) таркибида ГМ-соя озуқа кўшимчаси ҳар бир лаборатория ҳайвонига 0,02-0,03 граммдан 30 сутка давомида рационга қўшилган.

Иммунокомпетент ҳужайралар иммунофлюоресценция тестида аниқланган. Бўялган ҳужайралар флюоресцент микроскоп ёрдамида текширилган, бу ҳолатда ҳужайралар аралаштирилган, эритма қоплагич ойна билан қопланган буюм ойначасига ўтказилган, препарат флюоресцент микроскопда (объектив х90) иммерсион ёғ остида кўрилган. 200 та лимфоцитлар саналганда люминесценция бўлган ҳужайралардан манфий назорат препаратда кузатилган люминесцент ҳужайраларни айириш йўли билан аниқланган. Худди шундай тарзда тайёрланган препаратлар ҳам салбий назорат сифатида ишлатилган. Манфий назорат сифатида моноклонал антителолар ўрнига ҳужайралар Хенкс эритмаси ёки сичқон Ig

билан ишлов берилган.

Лейкоцитлар миқдори микроскоп билан Горяев камерасида саналган.

Нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги (НФФ) улар микроорганизмларни ютиш хусусиятига қараб аниқланган. Буни аниқлаш учун 0,05 мл қонга шу миқдорда *Staphylococcus aureus* нинг қиздириш йўли билан ўлдирилган бир кунлик культураси суюлтирилмаси қўшилган. Аралашма термостатда (37°C) 30 минутда қолдирилган, шу давр мобайнида ресуспензия қилинган, суртма тайёрлаб микроскоп остида кўрилган. Фагоцитловчи нейтрофил деб, бир ва ундан ортиқ *Staphylococcus aureus* ни ютган нейтрофиллар ҳисобланган.

Цитогенетик тадқиқотлар учун лаборатория ҳайвонлари найсимон суякларидан суяк кўмиги олинган. Тадқиқотларни ўтказишда ўсиш муҳитлари ва препаратлари билан ишлашда барча операциялар стерил шароитда ламинар боксда амалга оширилган. Оқ зотсиз каламушлар суяк кўмиги хужайраларида цитогенетик ўзгаришлар бевосита усул ёрдамида ўрганилган. Турли босқичлар ёрдамида олинган чўкма буюм ойначасига суртилган ва Гимза бўёқлари билан бўялган. Метафазалар «Leica» (Германия) микроскопида 200 марта катталаштиришда, метафаза пластинкалари 1000 марта катталаштиришда ўрганилган, ҳар бир намунада метафаза пластинкалари бўлган 15 дан 25 гача хужайралар таҳлил қилинган. Препаратларда бўлинадиган хужайралар сони микроскоп остида ҳисобланган ва митотик индекс формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Барча натижалар анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ишланган. Бунинг учун ўртача арифметик катталиқ (М), ўртача арифметик хато (m), нисбий кўрсаткичлар (%) ҳисобланган. Фарқлар аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланган. Статистик ишлаш «Pentium IV» процессори асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Тажрибада ген-модификацияланган соянинг иммун тизими кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ва қиёсий баҳолаш**» натижалари таҳлиliga бағишланган. Бунда тажрибавий тадқиқотлар асосида лаборатория ҳайвонлари иммун тизим асосий кўрсаткичларига ГМ-соя таъсири қиёсий ўрганилган ва баҳоланган.

Олинган натижаларни қиёсий таҳлил қилиш қулай бўлиши учун аввало ГМ- ва ГМ-сиз соя билан боқилмаган, интакт оқ зотсиз каламушлар (назорат гуруҳи) иммун тизими асосий иммунокомпетент хужайралари миқдорий кўрсаткичларига таъриф берилган (1-жадвал).

Тажрибага жалб қилинган интакт оқ зотсиз каламушлар иммун тизими хужайраларининг нисбий ва мутлоқ миқдорларини меъёр кўрсаткичлари сифатида қабул қилиш ва ГМ-маҳсулот истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари маълумотлари билан солиштириб, таҳлил қилиш ҳамда ГМ-маҳсулотнинг тажриба ҳайвонлари иммун тизимига таъсирини қиёсий ўрганиш бўйича хулосалар қилиш имконини берган.

**Назорат гуруҳидаги (интакт) оқ зотсиз каламушлар иммун тизими асосий параметрлари кўрсаткичлари, n=30**

Кўрсаткичлар	Олинган натижалар	
	% да	1 мкл қонда
Лейкоцитлар, $10^9/л$	6620±52	
Лимфоцитлар	55,6±0,9	3681±60
СД3+-хужайралар	46,8±0,7	1723±26
СД4+-хужайралар	45,2±0,8	1663±29
СД8+-хужайралар	5,2±0,3	191±11
ИРИ (СД4+/СД8+), бирлик	8,7±0,2	8,7±0,2
СД20+- хужайралар	15,8±0,8	582±29
СД16+- хужайралар	13,6±1,0	501±37
СД95+- хужайралар	25,2±1,1	928±40
НФФ, %	51,4±1,7	

Тадқиқотнинг кейинги босқичида назорат гуруҳи лаборатория ҳайвонлари иммун тизими кўрсаткичлари ва ГМ-соя истеъмол қилган тажриба ҳайвонлари параметрлари солиштирилган ва таҳлил қилинган.

ГМ-соя истеъмол қилган (асосий гуруҳ) ва қилмаган (назорат гуруҳи) лаборатория ҳайвонлари иммун тизим параметрлари миқдорий кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўрганилган 9 та параметрнинг 7 тасида (77,8%) ишонарли ўзгаришлар аниқланган, улар турли йўналишларда бўлиб, иммун тизимга таъсир даражасини белгилаб берган. Асосан Т-лимфоцитлар тизимида ишонарли ўзгаришлар кузатилиб, В-лимфоцитлар миқдорий кўрсаткичларида ўзгаришлар кузатилмаган. Табиий киллерлар (СД16+-хужайралар) ва хужайраларнинг апоптозга тайёрлиги маркёрларини тутувчи лимфоцитлар (СД95+-хужайралар) миқдорлари ҳам ишонарли пасайган. Бу олинган кўрсаткичларга қараб иккиламчи иммунодефицит ривожланганлиги тўғрисида фикр юритиб бўлмаса ҳам, иммун тизимида зўриқиш борлиги яққол кўриниб турибди.

Ўрганилган асосий ва назорат гуруҳлари тажриба ҳайвонлари иммун тизими нисбий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда мутлоқ сонлар ўзгаришларига ўхшашлик намоён бўлган. Рақамлар ўзгаришлари тенденцияси ва гуруҳлар орасидаги тафовутлар миқдорий ўзгаришлар параметрларига мос бўлган (2-жадвал).

Лаборатория ҳайвонларида визуал патологик ҳолат белгилари намоён бўлмаган бўлса ҳам, иммун тизимидаги ўзига хос ўзгаришлар патология олди ҳолати вужудга келганини кўрсатмоқда. Т-лимфоцитлар тизимидаги бундай ўзгаришларни тажрибада ГМ-маҳсулотнинг организмга тиббий-биологик хавфи таъсирини баҳолаш учун баҳоловчи мезон сифатида тавсия этилган.

Иммунокомпетент хужайралар функционал ҳолатини баҳолаш имконини берадиган нисбий кўрсаткичлар ўзгариш тенденцияси шу хужайралар миқдорий кўрсаткичлари ўзгаришлари билан амалий жиҳатдан бир хил бўлган. СД3+-, СД4+-, СД16+-, СД95+-хужайралар дефицити ва

СД8+-хужайраларнинг нисбатан ошиши иммун тизим кўрсаткичларида дисбаланс борлигини кўрсатган. Бу ҳолатни ИРИ ва НФФ нинг ишонарли пасайиши ҳам тасдиқлаган. СД20+-хужайраларнинг кузатув даври мобайнида қиёсланадиган гуруҳлар орасида ўзгаришсиз қолиши ушбу жараённинг уларга таъсири йўқлигидан далолатдир.

## 2-жадвал

### ГМ-соя истеъмол қилган ва қилмаган оқ зотсиз каламушлар иммун тизими параметрларининг солиштирма нисбий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, %	Асосий гуруҳ, %
Лимфоцитлар	55,6±0,9	51,2±1,1* ↓
СД3+-хужайралар	46,8±0,7	41,1±1,0* ↓
СД4+-хужайралар	45,2±0,8	40,4±1,1* ↓
СД8+-хужайралар	5,2±0,3	8,8±0,7* ↑
ИРИ, (СД4+/СД8+), бирлик	8,7±0,2	4,6±0,1* ↓
СД20+-хужайралар	15,8±0,8	17,1±1,3 ↔
СД16+-хужайралар	13,6±1,0	9,2±1,4* ↓
СД95+-хужайралар	25,2±1,1	14,5±1,3* ↓
НФФ	51,4±1,7	36,2±1,9* ↓

Эслатма: \* - назорат ва асосий гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги ишонарли фарқ; ↑, ↓, - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ йўқ.

Таққослаш гуруҳи натижалари шуни кўрсатганки, ўрганилган 9 та кўрсаткичдан фақат 2 тасида (22,2%) ишонарли фарқлар аниқланган. ГМ-сиз соя истеъмол қилган (таққослаш гуруҳи) ва қилмаган (назорат гуруҳи) оқ зотсиз каламушлар иммун тизими миқдорий кўрсаткичларини (1 мкл қонда) қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, овқат рационига ГМ-сиз соя қўшилиши иммун тизимида амалий жиҳатдан назорат гуруҳидан фарқ қилувчи ўзгаришларни кўрсатмаган. Кузатув даврида иммун тизимининг асосий кўрсаткичлари миқдорий параметрлари ишонарли ўзгармаган ушбу тизимда зўриқиш йўқлигидан, организмда бўлса патология олди ва патологик ҳолатларлар кузатилмаётганининг бир белгиси бўлиб ҳисобланади.

Худди шундай таҳлил иммун тизими кўрсаткичларининг нисбий параметрлари билан ҳам ўтказилган. Натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Солиштирилаётган кўрсаткичлар бўйича фақатгина НФФ да сезиларли ўзгаришлар аниқланган. Маълум бўлишича, таққослаш гуруҳининг баъзи индивидуал кўрсаткичлари юқори бўлгани учун ўртача параметр назорат гуруҳи ўртача кўрсаткичларидан юқори бўлган. Бу лаборатория ҳайвонларида патологик ҳолат борлигини билдирувчи, визуал намоён бўлувчи клиник кўринишлар билан тасдиқланмаган, НФФ нисбатан ошиши патологияга боғлиқ бўлмаган носпецифик ҳолат сифатида баҳоланган.

Барча тажриба гуруҳлари бўйича олинган натижалар бир бири билан солиштирилиб, келтирилган рақамларга таъриф берилгач, гуруҳлар бўйича баён этилган маълумотларни қиёсий таҳлил этиш зарурати туғилган.

### 3-жадвал

#### ГМ-сиз соя истеъмол қилган ва қилмаган оқ зотсиз каламушлар иммун тизими қиёсий кўрсаткичлари, %

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=30	Таққослаш гуруҳи, n=30
Лимфоцитлар	55,6±0,9	54,2±1,2 ↔
СД3+-хужайралар	46,8±0,7	45,1±1,0 ↔
СД4+-хужайралар	45,2±0,8	44,4±1,0 ↔
СД8+-хужайралар	5,2±0,3	5,8±0,5 ↔
ИРИ, (СД4+/СД8+), бирлик	8,7±0,2	7,7±0,1* ↓
СД20+-хужайралар	15,8±0,8	15,9±1,1 ↔
СД16+-хужайралар	13,6±1,0	12,4±1,3 ↔
СД95+-хужайралар	25,2±1,1	23,9±1,3 ↔
НФФ	51,4±1,7	46,8±1,7* ↓

Эслатма: \* - назорат ва асосий гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги ишонарли фарқ; ↑, ↓, - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ йўқ.

Гуруҳлар орасидаги фарқ рақамларни бир бирига нисбатан қиёслаб ўрганганда аниқ кўринган, шунингдек кўрсаткичлардаги ўзгаришлар ҳолатига, иммунодефицит чуқурлилик даражасига баҳо бериш мумкин.

Иммунокомпетент хужайраларнинг функционал фаолиятига улар нисбий параметрлари орқали баҳо бериш қулай бўлганлиги сабабли нисбий кўрсаткичлар солиштирма ўрганилган (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### ГМ-ли ва ГМ-сиз соя истеъмол қилган ва қилмаган оқ зотсиз каламушлар иммун тизим параметрлари нисбий (%) кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳлари		
	назорат, n=30	таққослаш, n=30	асосий, n=30
Лимфоцитлар	55,6±0,9	54,2±1,2 ↔	51,2±1,1* ↓
СД3+-хужайралар	46,8±0,7	45,1±1,0 ↔	41,1±1,0* ↓
СД4+-хужайралар	45,2±0,8	44,4±1,0 ↔	40,4±1,1* ↓
СД8+-хужайралар	5,2±0,3	5,8±0,5 ↔	8,8±0,7* ↑
ИРИ, (СД4+/СД8+), бирлик	8,7±0,2	7,7±0,1* ↓	4,6±0,1* ↓
СД20+- хужайралар	15,8±0,8	15,9±1,1 ↔	17,1±1,3* ↑
СД16+- хужайралар	13,6±1,0	12,4±1,3 ↔	9,2±1,4* ↓
СД95+- хужайралар	25,2±1,1	23,9±1,3 ↔	14,5±1,3* ↓
НФФ	51,4±1,7	46,8±1,7* ↓	36,2±1,9* ↓

Эслатма: \* - назорат ва асосий гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги ишонарли фарқ; ↑, ↓, - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ йўқ.

Нисбий кўрсаткичлар бир бирига нисбати қуйидагича кўриниш олган: лимфоцитлар - 1,0 : 0,97 : 0,92; СД3+-хужайралар - 1,0 : 0,96 : 0,88; СД4+-хужайралар - 1,0 : 0,98 : 0,89; СД8+-хужайралар - 1,0 : 1,12 : 1,69; СД20+-

хужайралар - 1,0 : 1,01 : 1,08; СД16+-хужайралар - 1,0 : 0,91 : 0,68; СД95+-хужайралар - 1,0 : 0,95 : 0,58; НФФ - 1,0 : 0,91 : 0,70.

Тажрибада иммунодефицит чуқурлилик даражасини баҳолаш усули ёрдамида ГМ-соя таъсири яққол кузатилган иммунокомпетент хужайралар - «нишон хужайралар» куйидагилар эканлиги аниқланган: СД3+-, СД8+-, СД16+-, СД95+-хужайралар ва НФФ.

Тажрибавий тадқиқотлар натижасида ГМ-маҳсулотнинг иммун тизим фаолияти, иммунокомпетент хужайралар миқдорий ва сифатий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш учун иммунологик параметрлардан СД3+-, СД8+-, СД16+-, СД95+-хужайралар ва НФФ нисбий кўрсаткичларини аниқлаш етарли, деб ҳисобланган. Ушбу параметрлардаги ўзгаришлар иммун тизимидаги дефицитни кўрсатиб берувчи иммунологик дисбаланс ва иммунодефицит чуқурлилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш имконини бериши исботланди.

Имунодефицит чуқурлилик даражасини аниқлаш ҳамда баҳолаш усулларида яна бири Нуралиев Н.А. (2001) томонидан тавсия этилган иммунодефицит индекси (ИДИ) ҳисобланади. ИДИ нинг пасайиши иммун тизим фаолиятининг пасайганидан далолатдир (ИНДР 9800249/DF сонли ихтиро, 20.04.1999 йил, 1439-рақамли гувоҳнома).

Аммо, тажрибавий тадқиқотларда ушбу индексни тўғридан тўғри қўллашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли унинг модификация қилинган варианты тавсия этилган. Унда тўғриловчи коэффициент интакт оқ зотсиз каламушлар қонидаги Т-лимфоцитлар ва НФФ нисбий миқдорлари (%) ўртача кўрсаткичларидан фойдаланилган, бу рақам 50 ни ташкил этган ва тавсия этилаётган формула куйидаги кўринишни олган:

$$\text{ТИДИ (тажрибавий иммунодефицит индекси)} = T + \Phi / 50$$

Меъёрда ТИДИ 2 га тенглигича қолган.

Такқосланаётган гуруҳларнинг ТИДИ си аниқланган:

$$\text{ТИДИ} = 46,8 + 51,4 / 50 = 1,96 \text{ (назорат гуруҳи);}$$

$$\text{ТИДИ} = 45,1 + 46,8 / 50 = 1,84 \text{ (такқослаш гуруҳи);}$$

$$\text{ТИДИ} = 41,1 + 36,2 / 50 = 1,55 \text{ (асосий гуруҳ).}$$

Олинган натижалардан гуруҳлар орасидаги тафовут яққол кўриниб турибди, бундай ҳолат ривожланган иммунодефицит чуқурлилик даражасини баҳолаш имконини берган.

Шундай қилиб, ГМ-маҳсулотларнинг организм иммун тизими фаолияти ҳамда иммунокомпетент хужайралар миқдорий кўрсаткичларига таъсирини тажрибада баҳолаш учун ТИДИ тавсия этилган. Бу индекс иммунодефицит чуқурлилик даражасини баҳолаш имконини берган. Меъёрда ТИДИ 2 га тенг, ундан камайиш эса иммунодефицит ривожланганлигини ва унинг чуқурлилик даражасини ифодалаган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Тажрибада ген-модификацияланган соя истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмигидан олинган хужайралар цитогенетик ўзгаришларини ўрганиш ва баҳолаш» га бағишланган. Ушбу бобнинг мақсади ГМ-сояни истеъмол қилган ва



истеъмол қилмаган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги хужайраларида цитогенетик ўзгаришларни таққослаш аспектида ўрганиш ва баҳолаш бўлган.

Таҳлил қилиш учун митоз аппарати элементлари аниқланган қизил суяк кўмиги хужайралари ишлатилган. Прометафаза охирида хромосомалар ипининг экваториал текислигида бўлинишнинг иккала қутбидан тахминан бир хил масофада жойлашган бўлиб, метафаза пластинкасини ҳосил қилади.

Метафаза пластинкалари хромосомалар бўлиниш ўқиға перпендикуляр бўлган текисликда тўпланиши (экваториал текислик), бу ерда хромосомалар экваториал равишда митоз метафазасида жойлашган (соматик хужайралар бўлинишининг иккинчи босқичи). Одатда, каламушларда хромосомалар сони 42 га тенг (диплоид тўплами).

Таҳлиллар асосий гуруҳдаги суяк кўмиги хужайраларида митоз фаоллиги пастлиги, фақат 30% лаборатория ҳайвонларида суяк кўмиги намуналарида метафаза пластинкалари аниқланган (5-жадвал).


#### 5-жадвал

#### ГМ-соя истеъмол қилган ва қилмаган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги хужайраларидаги цитогенетик ўзгаришлар кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Аберрациялар турлари		
	Полиплоидия	Анеуплоидия	Митоз патологияси
Асосий	5,35±2,6%	5,35±2,6%	Хромосомалар сочилиши, Хромосомалар пульверизацияси, Профазада кечиктирилган МИТОЗ
Таққослаш	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Хромосомалар пульверизацияси, К-митоз
Назорат	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас


Асосий гуруҳ лаборатория ҳайвонларида таҳлил қилинган барча метафазалардан (жами 75) 10,7% таркибида полиплоидия - полиплоид хужайралар борлиги аниқланган (хужайрада гаплоид тўпламининг бир нечта 5,35% дан ортиқ хромосомалар тўплами мавжуд). Бундан ташқари, анеуплоидия - анеуплоид хужайралар (хромосомалар сони гаплоид тўплами кам ёки кўпроғини ўз ичига олган хужайралар - 5,35%) кариотиплар аниқланган. Метафаза пластинкаларининг 89,3% ида оддий (42 хромосома) кариотип борлиги аниқланган. Шунингдек, асосий гуруҳдаги лаборатория ҳайвонларида митознинг қуйидаги патологиялари топилган: хромосома сочилиши, хромосома пульверизацияси ва митоз профазанинг кечикиши.

Асосий гуруҳда оқ зотсиз каламушларнинг қолган (70%) суяк кўмиги намуналарида метафаз пластинкалари бўлмаган, аммо бласт хужайралар (митоздан олдинги босқичдаги хужайралар) ва митотик патологияга эга хужайралар - хромосомалар пульверизацияси кузатилган (1-расм).




**1-расм. ГМ-соя истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги ҳужайралари (хромосомалар пульверизацияси)**

Бундан ташқари, тадқиқотлар давомида митознинг бошқа патологиялари бўлган ҳужайралар ҳам топилган - хромосомалар спирализацияси ва деспирализацияси бузилган (2-расм), хромосомалар эрта спирализацияси, профаза босқичида кечиктирилган митоз аниқланган.



**2-расм. ГМ-соя истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги ҳужайралари (хромосомалар спирализацияси бузилиши ва деспирализацияси).**

Шу гуруҳ лаборатория ҳайвонларида қизил суяк кўмигини ўрганиш натижасида хромосома анеуплоидияси ҳам аниқланган (3-расм).



**3-расм. ГМ-соя истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги ҳужайралари (хромосомалар анеуплоидияси).**

Тадқиқотлар натижасида исбот қилинишича, ГМ-соя қизил суяк кўмиги каби юқори пролиферацияга эга тўқималар ҳужайраларида цитогенетик ўзгаришларга олиб келган. Цитотоксик таъсир натижасида қизил суяк кўмиги ҳужайраларининг қисман ингибицияси кузатилган, бу эса ўз навбатида цитопенияга олиб келиши мумкин.


ГМ-сиз соя истеъмол қилган оқ зотсиз каламушлар (таққослаш гуруҳи) қизил суяк кўмигининг метафаза пластинкаларида полиплоид (полиплоидия) ва анеуплоид (анеуплоидия) кариотиплари топилмаган. Барча (жами 75) таҳлил қилинган метафазаларда кариотип ўзгармаган, оғиш кузатилмаган. Ҳужайралар геномик анормалликларни ўз ичига олмаган, барча метафазалар нормал кариотипга эга бўлган (42 хромосома).

Бироқ, таққослаш гуруҳида 1 та ҳолатда митоз патологияли ҳужайралар (хромосомаларр пульверизацияси, К-митоз) топилган. Бу факт оқ зотсиз каламушларнинг ўзлари учун нотаниш бўлган сояни овқат сифатида истеъмол қилганликлари билан изоҳланган. Аммо умуман олганда цитогенетик ўзгаришлар кузатилмаган ва оддий кариотип топилган.

Назорат гуруҳи лаборатория ҳайвонларида қизил суяк кўмиги барча намуналари ҳужайраларида фақат нормал кариотипли метафаза пластинкалари аниқланган (4-расм).

Шундай қилиб, лаборатория ҳайвонлари қизил суяк кўмигидаги цитогенетик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ГМ-соя истеъмол қилган оқ зотсиз каламушларда (асосий гуруҳ) турли митотик патологиялар аниқланган – хромосомалар сочилиши, хромосомалар пульверизацияси ва профазада кечиктирилган митоз. ГМ-соя истеъмол қилмаган лаборатория ҳайвонларида

(таққослаш ва назорат гуруҳлари) бундай цитогенетик ўзгаришлар кузатилмаган, оддий кариотип топилган.



**4-расм. ГМ-сиз соя истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги ҳужайралари (оддий кариотип)**

Олинган натижалар шуни кўрсатганки, назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар суяк кўмиги ҳужайраларининг митотик фаоллиги, яъни митотик индекс (МИ) бошқа тажриба гуруҳларига қараганда юқори бўлган – мос равишда МИ - 9% га қарши асосий гуруҳда МИ - 3% ва таққослаш гуруҳида МИ - 5% (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги ҳужайраларининг митотик фаоллиги солиштирма кўрсаткичлари**

Гуруҳлар	Миқдор	
	Ажратувчи/ҳужайралар	МИ, %
Асосий гуруҳ	30/1000	3
Таққослаш гуруҳи	50/1000	5
Назорат гуруҳи	90/1000	9

Шундай қилиб, ГМ-соя истеъмол қилган оқ зотсиз каламушларда митотик фаоллик пасайиши аниқланган, бу МИ пасайиши билан ифодаланган.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида ГМ-соя истеъмол қилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги ҳужайраларидаги цитогенетик ўзгаришлар экспериментал тадқиқотларда лаборатория ҳайвонларининг қизил суяк кўмиги ҳужайраларида цитогенетик ўзгаришларни ўрганиш ва баҳолаш усули самарадорлигини ошириш учун берилган тавсиялардан фойдаланиш имконини берган.

## ХУЛОСАЛАР

1. ГМ-соя истеъмол қилган оқ зотсиз каламушлар иммун тизими иммунокомпетент хужайралари функционал ҳолатини баҳолаш имконини берадиган нисбий кўрсаткичлар ўзгариш тенденцияси микдорий ўзгаришлар билан бир хил бўлди. СД3+-, СД4+-, СД16+-, СД95+-хужайралар дефицити ва СД8+-хужайралар нисбатан ошиши иммун тизим кўрсаткичларида дисбаланс борлигини кўрсатди. Бу ҳолатни ИРИ ва НФФ ишонарли равишда пасайиши ҳам тасдиқлади. СД20+-хужайраларнинг кузатув даври мобайнида ўзгаришсиз қолиши шу жараённинг уларга таъсири йўқлигидан далолатдир.

2. ГМ-сиз соя истеъмол қилган оқ зотсиз каламушлар иммун тизими микдорий кўрсаткичларида назорат гуруҳи лаборатория ҳайвонлари иммун тизими хужайралари микдорий ва нисбий параметрларидан тафовутланувчи ўзгаришлар кузатилмади. Бу ҳолат ушбу тизимда зўриқиш йўқлигидан, организмда патология олди ва патологик ҳолатлар кузатилмаётганининг бир белгиси бўлиб ҳисобланади. НФФ нисбатан ошиши патологияга боғлиқ бўлмаган носпецифик ҳолат сифатида баҳоланди.

3. ГМ-соя истеъмол қилган оқ зотсиз каламушлар гуруҳида цитопенияга олиб келиши мумкин бўлган хужайралар кўпайишини қисман ингибациялашда ифодаланган қизил суяк кўмиги хужайраларида цитогенетик ўзгаришлар топилган - полиплоидия (5,35%) ва анеуплоидия (5,35%). Митотик патология сифатида хромосомалар сочилиши, пульверизацияси, спирализацияси бузилиши ва деспирализация, эрта спирализация, порофаза босқичида кечиктирилган митозга эга хужайралар аниқланди. Таққослаш ва назорат гуруҳларида барча метафазаларда нормал кариотип бўлди. Назорат гуруҳидаги суяк кўмиги хужайраларининг митотик фаоллиги (МИ - 9%) тажриба гуруҳларига қараганда юқори - асосий гуруҳда - 3% ва таққослаш гуруҳида - 5 %.

4. Тажрибада иммунодефицит чуқурлилик даражасини баҳолаш усули ёрдамида ГМ-соя таъсири яққол кузатилган «нишон хужайралар» - иммунокомпетент хужайралар аниқланди: СД3+-, СД8+-, СД16+-, СД95+-хужайралар ва НФФ. Ушбу параметрлардаги ўзгаришлар иммун тизимидаги дефицитни кўрсатиб берувчи иммунологик дисбаланс, иммунодефицит чуқурлилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш имконини бериши исботланди. ГМ-соянинг тажрибада организм иммун тизими фаолиятига таъсирини баҳолаш учун тажрибавий иммунодефицит индекси тавсия этилди. Бу индекс иммунодефицит чуқурлилик даражасини баҳолаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**АЛЛАЗАРОВ АЛЛАЗАР ХУДАШКУРОВИЧ**

**КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ОЦЕНКЕ ОСОБЕННОСТЕЙ ВЛИЯНИЯ  
ГЕННО-МОДИФИЦИРОВАННЫХ ПРОДУКТОВ НА ИММУННУЮ  
СИСТЕМУ В ЭКСПЕРИМЕНТЕ**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2021**



**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Tib1456**

Диссертационная работа выполнена в Бухарском государственном медицинском институте и Ургенчском филиале Ташкентской медицинской академии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель**

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты**

**Файзуллаева Нигора Яхъевна**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Федоськова Татьяна Германовна**  
доктор медицинских наук, профессор  
(Российская Федерация)

**Ведущая организация**

**Андижанский государственный  
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, дом-1. Тел/факс.: (+99865) 223-00-50, тел: (+99865) 223-17-53, e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарском государственном медицинском институте (Зарегистрированный номером №\_\_\_). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои. Тел/Факс: (+99865) 223-00-50, тел (+99865) 223-17-53)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года  
(Реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года)

**А.Ш.Иноятов**

председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Н.Ачилова**

ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

**К.Э.Шомуродов**

заместитель председателя Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc)

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день, осуществление медико-биологической безопасности пищевых продуктов среди стран планеты остается одной из самых важных проблем. По мнению многих экспертов, один из оптимальных способов решения проблем дефицита продовольственных продуктов, это выращивание и увеличение количеств генетически модифицированных продуктов. Генетически модифицированные организмы это «... растительные или животные организмы, генотип которых был изменен неестественным способом с помощью геной инженерии, для внесения новых свойств организму, которые составляют 13% всех орошаемых земель в мире»<sup>1</sup>. Однако, на сегодняшний день степень влияния этих продуктов на организм человека до конца не изучена, а полученные результаты довольно противоречивы друг к другу. В перспективном развитии профилактического направления для помощи населению первоочередное значение имеет изменение постоянных традиций в культуре питания.

Во всем мире все более распространяются призывы к поддержанию внесения изменений в геномы растений и животных с помощью геной инженерии, увеличение выращивание генетически модифицированных организмов и употребления их как продовольственный продукт. В то же время проводятся экспериментальные исследования по изучению их влияния на органы и ткани организма. Также, ведутся работы по изучению их эмбриотоксического, гонадотоксического, мутагенного, канцерогенного действия, морфологического строения органов, гематологических и биохимических показателей крови, влияния на второе и третье поколения лабораторных животных. При этом одни показывают, что эти продукты имеют отрицательное влияние, а другие утверждают, что их нет. Хотя, их влияние и последствия на иммунную систему о конца не изучены. Необходимость продолжения исследований не теряет своей актуальности.

В нашей стране проводится большая работа по оказанию высококвалифицированной медицинской помощи населению, увеличению продовольственных ресурсов на основе новых технологий, обеспечению и оценке медико-биологической безопасности пищевых продуктов. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены факторы которые «...приводят к повышению оказания медицинской помощи населению, укрепления материально-технической базы учреждений первичной и неотложной медицинской помощи, улучшению качества семьи, охраны материнства и детства...»<sup>2</sup>. Они послужили к повышению качества и

---

<sup>1</sup> Global Status of Commercialized Biotech., GM Crops., 2014

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».



эффективности медицинской помощи населения, внедрению высокотехнологичных методов в диагностике и лечения, укреплению здорового образа жизни в стране.

